

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОЯТОВА СИТОРА ОЙБЕКОВНА

**СУРУНКАЛИ БОШ МИЯ ҚОН АЙЛАНИШИ ЕТИШМОВЧИЛИГИДА
ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 - Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИННИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

УЎК: 616.831-005.4: 616.018.74: 616.8-056.76

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктор наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Иноярова Ситора Ойбековна

Сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигига эндотелиал
дисфункцияниң клиник-неврологик ва молекуляр-генетик
хусусиятлари 3

Иноярова Ситора Ойбековна

Клинико-неврологические и молекулярно-генетические
особенности маркеров эндотелиальной дисфункции в развитии
хронической ишемии мозга 27

Inoyatova Sitora Oybekovna

Clinical-neurological and molecular-genetic features of endothelial
dysfunction markers in the development of chronic brain
ischemia..... 50

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОЯТОВА СИТОРА ОЙБЕКОВНА

**СУРУНКАЛИ БОШ МИЯ ҚОН АЙЛАНИШ ЕТИШМОВЧИЛИГИДА
ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 - Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИННИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.DSc/Tib1045 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Маджидова Ёқутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирджаураев Элбек Миршавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Якубова Марҳамат Миракрамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мамедбейли Айтен Камал кизи
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Озарбайжон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфандияров номидаги Қозоғистон миллий
тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақами Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____»
куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-йй. Тел./факс: (+99878) 150-78-28), e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-йй. Тел./факс (+99871) 214-82-90).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____»
да тарқатилди.

(2026 йил «_____»
даги _____ рақами реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Б. Азизова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясиға аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра¹, бош мия қон айланишининг ўткир бузилишлари юқори ўлим кўрсаткичи ва аҳоли турмуш сифатининг пасайиши билан кечадиган глобал эпидемия сифатида муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. Инсульт дунёда ўлим сабаблари орасида иккинчи ўринда, ногиронлик сабаблари орасида эса учинчи ўринда туради. Бутун жаҳонда инсультни даволаш ва реабилитация қилиш учун жаҳон харажатлари йилига 721 миллиард АҚШ доллардан кўпини (ёки жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 0,66%) ташкил этади. 1990 йилдан 2019 йилгача инсульт билан касалланишнинг абсолют сони 70,0%, инсультнинг тарқалиши 102,0% ва ундан ўлимлар сони 43,0% ошди, бунда инсульт глобал юкининг асосий қисми (ўлимларнинг 86,0% ва ногиронликнинг 89,0%) паст ва ўрта даромадли мамлакатларга тўғри келади.

Жаҳонда юрак-қон томир касалликлари, жумладан инсульт патогенезида эндотелиал дисфункцияниң ўрнини ўрганишга тобора катта аҳамият қаратилмоқда. Эндотелийнинг активлашиши ва функционал бузилиши атеросклероз, турли юрак-қон томир касалликлари ҳамда кардиоренал синдром ривожланишида етакчи патогенетик омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис эндотелиал дисфункцияни акс эттирувчи юқори специфик ва сезигир биомаркерларни аниқлаш муҳим клиник аҳамиятга эга. Мазкур биомаркерлар қаторига эндотелиал адгезия молекулалари, цитокинлар, С-реактив оқсил (CRO), CD62E (Е-селектин), эндотелиал микрозаррачалар, паст зичликдаги оксидланган липопротеинлар, асимметрик диметиларгинин ҳамда эндокан киради. Шунингдек, эндотелиал дисфункцияниң янги молекуляр-генетик биомаркерлари сифатида SOD2 гени Ala16Val, NOS3 гени T(786)C ва EDN1 гени Lys197Asn полиморфизмлари, шунингдек гомоцистеин даражасининг ошиши ҳақида илмий маълумотлар мавжуд.

Мамлакатимизда тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон стандартларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш ҳамда самарали даволашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиқиб, сурункали бош мия қон айланиш этишмовчилигига клиник-неврологик ҳамда молекуляр-генетик хусусиятларини чукур ўрганиш, ушбу ҳолатнинг эрта ташхисланиши ва самарали даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган замонавий илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Feigin, V.L., et al. Global burden of stroke and risk factors in 188 countries, during 1990–2019: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2019. *The Lancet Neurology*, 2021;20(10):795–820.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Тибиёт ходимлари потенциалини ошириш учун зарурий шароитларни яратиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳатларни босқичли давом эттириш тўғрисида», 2003 йил 26 февралидаги ПФ-3214-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини келгусида ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 28 июлидаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимларини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 20 июнданги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тибиёт ва фармакология” устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, сурункали бош мияда қон айланиши етишмовчилигининг патогенези, ташхислаш ва даволаш масалалари бўйича турли йўналишларда мажмуавий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қатор хорижий муаллифлар (АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония) фикрига кўра, эндотелиал дисфункция СБҚАЕ ривожланишида асосий патогенетик механизм ҳисобланади.

Lüscher ва ҳаммуаллифларига кўра (Circulation, 2021), эндотелий функциясининг бузилиши eNOSга боғлиқ йўл орқали азот оксиди (NO) ишлаб чиқарилишининг пасайишига олиб келиб, вазоконстрикция ва тромб ҳосил бўлиш жараёнларини кучайтиради. Gorelick ва ҳаммуаллифлар (Stroke, 2020) эндотелиал фаоллашув нейрояллигланиш жараёнларини рағбатлантириб, адгезив молекулалар (VCAM-1, ICAM-1) ҳамда яллиғланиш цитокинлари (IL-6, TNF- α) даражасининг ошиши билан намоён бўлишини таъкидлайдилар. Farkas ва Luiten (Progress in Neurobiology, 2019) эса гемостазнинг тромбоцитар бўғини фаоллашуви, хусусан P-селектин ва фон Виллебранд омилиниң кўпайиши микроциркулятор бузилишларни чукурлаштиришини кўрсатган.

Poggesi ва ҳаммуаллифлар (Neurology, 2021) эндотелин-1 ва гомоцистеин даражаларининг ошиши когнитив танқислик оғирлиги (MMSE)

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.yale.edu, www.ed.ac.uk, www.cbs.mpg.de, www.pku.edu.cn, www5.usp.br, www.mcmaster.ca, www.ub.edu, www.auckland.ac.nz, www.uct.ac.za, www.tau.ac.il, www.ntu.edu.tw, www.kcl.ac.uk, www.helsinki.fi, www.du.ac.in

билин ишончли корреляция қилишини қайд этган. Gorelick ва ҳаммуаллифлар (Lancet Neurology, 2020) фон Виллебранд омилиниң юқори күрсаткичлари мувозанат ва пиёда юриш бузилишлари билан ассоциацияланишини күрсатган. Elkind ва ҳаммуаллифлар (JAMA Neurology, 2022) маълумотларига кўра, sICAM-1 ва sVCAM-1 комбинацияси СБҚАЕли беморларда ишемик инсульт хавфини олдиндан башорат қилиш имконини беради.

Халқаро тадқиқот натижаларига кўра олимлар эндотелиал дисфункцияни баҳолашда замонавий усуслардан фойдаланишни тавсия этадилар. Van Guilder ва ҳаммуаллифлар (Microvascular Research, 2021) эндотелиал микрозаррачалар, асимметрик диметиларгинин (ADMA) ва ангиотензин-II ни аҳамиятли маркерлар сифатида күрсатадилар. Thijssen ва ҳаммуаллифлар (Journal of the American College of Cardiology, 2019) елка артериясининг эндотелийга боғлиқ вазодилатациясини (FMD) клиник амалиётда қўллашни асослаган. Wardlaw ва ҳаммуаллифлар (Lancet Neurology, 2020) эса МРТда аниқланадиган лейкоариз ҳамда КТ/МР-перфузия кўрсаткичларини эндотелиал дисфункция билан боғлиқ муҳим нейровизуал маркерлар сифатида таъкидлайдилар.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигига қўлланиладиган даволаш усуслари асосан симптоматик бўлиб, касалликнинг турли клиник шакллари учун энг самарали усуслар етарлича аниқланмаган. Эндотелиал дисфункция ва нейроваскуляр бузилишларни ҳисобга олган ҳолда диагностик ва даволаш мезонларни ишлаб чиқиши замонавий неврологиянинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда эндотелиал дисфункцияни ўрганишга бағишлиланган илмий тадқиқотлар жадал суръатларда ривожланиб, у атеросклероз, артериал гипертензия ва ишемик инсульт ривожланишининг асосий патогенетик бўғини сифатида қаралмоқда. Хорижий адабиётларда эндотелийнинг томир тонуси, гемостаз, яллигланиш ва ангиогенезни тартибга солувчи марказий орган сифатидаги роли атрофлича ёритилган (Lüscher T.F., Barton M., Nat. Rev. Cardiol., 2021). Бирок, замонавий тадқиқотларда эндотелий фаоллашуви ва эндотелиал дисфункция тушунчалари ўртасида муайян терминологик ноаниқлик сақланиб қолмоқда, бу эса патофизиологик жараёнларни тўғри талқин қилишда қийинчиликлар туғдиради (Blann A.D., 2020).

Deanfield ва ҳаммуаллифлар томонидан таклиф этилган концепцияга кўра (2007), эндотелий фаоллашуви - бу қон томир деворининг шикастланишга нисбатан физиологик, вақтингина давом этувчи жавоби бўлиб, у адгезия молекулалари (VCAM-1, ICAM-1, E-selectin) ва яллигланиш медиаторлари экспрессиясининг ошиши билан намоён бўлади. Эндотелиал дисфункция эса эндотелийнинг регулятор функцияларининг барқарор бузилиши билан тавсифланиб, вазодилатация, антикоагулянт ва антипролифератив хусусиятларининг сусайиши билан кечади.

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эндотелиал дисфункцияниң асосий молекуляр белгилари қаторига азот оксида (NO) биокириш имкониятининг камайиши ва эндотелин-1 (ET-1) синтезининг ортиши киради, бу эса томир деворида вазоконстрикция ва яллиғланиш реакцияларининг кучайишига олиб келади (Lüscher et al., 2021). Шу нуқтаи назардан, эндотелий фаоллашуви маркерлари яллиғланишнинг ўткир фазасини акс эттираса, дисфункция маркерлари узоқ муддатли томир хавфини белгилайди. Айни пайтда, мавжуд эндотелиал биомаркерларнинг ҳеч бири якка ҳолда етарли даражада сезгир ва специфик эмаслиги қайд этилмоқда (Zhang Y. et al., 2022). Бу эса эндотелий фаоллашуви ва дисфункциясини баҳолашда патофизиологик жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи молекулаларни қамраб олган кўп параметрли диагностик ёндашувларни ишлаб чиқиши зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилигининг клиник ва гемодинамик жиҳатлари бўйича қатор илмий ишлар олиб борилган бўлса-да (Рахимбаева Г.С., 2020; Хайдарова Д.К., Маджиева Ё.Н., Ходжаева Д.Т., 2015; Ходжаева Д.Т., Хайдарова Д.К., Хайдарова Н.К., Самадов А.У., 2021, Абдурахманова К.Б., 2024, Шермуҳамедова Ф.К. 2025), эндотелиал дисфункцияни комплекс тарзда баҳолашга қаратилган тадқиқотлар етарли эмас.

Шу боис, СБМҚАЕда эндотелиал дисфункцияниң клиник-неврологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш, унинг диагностика ва прогноз аҳамиятини баҳолаш ҳамда индивидуаллаштирилган патогенетик терапия асосларини ишлаб чиқиши замонавий неврологияниң долзарб илмий-амалий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900252-сон “Неврологик касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш усулларини такомиллаштириш (2021-2024 йй.)” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилигига эндотелиал дисфункцияниң биокимёвий ва молекуляр-генетик механизмларини, қон зардобида эндотелиал дисфункция маркерлари микдорини ҳамда SOD2, NOS3 ва EDN1 ген полиморфизмларининг клиник аҳамиятини аниқлаш ва даволаш мезонларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурекали бош мия қон айланиш етишмовчилиги билан касалланган беморларда клиник-неврологик ҳамда когнитив дисфункцияларнинг шаклланиш механизмларини аниқлаш;

эндотелиал дисфункцияниң ривожланишида анъанавий хавф омиллари (артериал гипертензия, қандли диабет, чекиш ва семизликнинг) клиник ва патогенетик аҳамиятини баҳолаш;

эндотелиал дисфункция ва яллиғланиш маркерларининг (гомоцистеин, С-реактив оқсил) қон зардобидаги кўрсаткичлари ва касалликнинг оғирлик даражаси билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

SOD2 (Ala16Val), NOS3 (T786C) ва EDN1 (Lys197Asn) генлари полиморфизмларининг ҳамда уларнинг ўзаро комбинацияларининг сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилигининг оғир кечиши ва прогрессиясидаги ролини ўрганиш;

эндотелиал дисфункцияни миқдорий баҳолаш ва касалликнинг оғир кечиши хавфини башпорат қилиш учун эндотелиал заифликнинг интеграл индекси (IEU) ҳамда салбий генотиплар қумулятив индексини (индекс К) ишлаб чиқиши;

сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилигига клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик кўрсаткичларга асосланган давони оптималлаштириш ва иккиламчи профилактикага қаратилган мезон ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида турли оғирлик даражадаги бош мия қон томир касалликларидан азият чекувчи 45 ёшдан 90 ёшгача бўлган 280 нафар бемор ҳамда 20 нафар соғлом назорат гуруҳи олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида неврологик статусни комплекс баҳолаш, нейровизуализацион текширувлар ва эндотелиал дисфункция маркерлари (гомоцистеин, С-реактив оқсил) ҳамда SOD2 генидаги Ala16Val, NOS3 генидаги T(786)C ва EDN1 генидаги Lys197Asn генлар полиморфизмларининг натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ретроспектив ва проспектив таҳлил, клиник-неврологик текширувлар, шкалалар (MMSE, Ривермид, NIHSS, Бартел), сўровномалар ва инструментал текширув усулларидан фойдаланилган. Қон зардобида эндотелиал дисфункция маркерларидан гомоцистеин, С-реактив оқсил ва SOD2 генидаги Ala16Val, NOS3 генидаги T(786)C ва EDN1 генидаги Lys197Asn генлар полиморфизмлари текшируви учун олинган веноз қони ва қон зардobi ташкил этди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

анъанавий хавф омиллари (артериал гипертензия, 2-тур қандли диабет, чекиш, семизлик, атеросклероз) билан генетик мойиллик ўртасидаги патогенетик боғлиқликлар ва уларнинг биргаликда цереброваскуляр касалликларнинг ривожланиши ҳамда оғир кечишини кучайтирувчи таъсири мавжуд экани исботланган;

SOD2 (Ala16Val), EDN1 (Lys197Asn) ва NOS3 (T786C) генларининг полиморфизмлари яллиғланиш маркерлари (СРБ), гипергомоцистеинемия кўрсаткичлари ва бош мия қон-томир касалликлари клиник оғирлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, айниқса SOD2 Val/Val генотипининг касалликнинг оғир ва нохуш кечиши билан энг кучли ассоциацияси аниқланган;

SOD2, EDN1 ва NOS3 генларининг салбий генотиплари бир вақтда учраган ҳолларда полиген мойилликнинг кумулятив шаклланиши ва унинг ялигланиш-эндотелиал бузилишларни кучайтирувчи омил сифатида намоён бўлиши СРБ ва гомоцистеин даражаларининг ошиши, NIHSS кўрсаткичининг ўсиши ҳамда беморларнинг функционал фаоллигининг пасайиши билан ишончли боғлиқлиги аниқланган;

интеграл эндотелиал заифлик индекси ошиши эндотелиал дисфункция даражасининг прогрессиясини акс эттириб, ушбу кўрсаткич бош мия қонтомир касалликларида салбий оқибатлар ривожланиш хавфини миқдорий баҳолаш ва эрта башорат қилиш имконини берувчи ишончли прогностик мезон эканлигини аниқланган;

генетик полиморфизмлар (SOD2, NOS3, EDN1) ва биокимёвий маркерлар (гомоцистеин, СРБ) ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар асосида антиоксидантлар, эндотелий-протектив препаратлар ва гипергомоцистеинемияни бартараф этувчи терапевтик воситаларни индивидуал танлашга қаратилган дифференциал даволаш мезони ишлаб чиқилган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилиги билан касалланган беморларда клиник-неврологик ҳолат ва когнитив функциялар бузилишларини эрта аниқлаш мақсадида NIHSS, Ривермид, Бартел, шунингдек когнитив статусни баҳоловчи MMSE шкалалари неврологик ва когнитив дефицитнинг эрта босқичда аниқлашда ишончли скрининг воситаси сифатида амалиётга жорий этиш таклиф қилинган;

сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилигининг оғир кечишини прогноз қилиш мақсадида клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик кўрсаткичлар (SOD2 Ala16Val, NOS3 T(786)C, EDN1 Lys197Asn) уйғуналигига асосланган комплекс прогностик мезон таклиф қилинган;

эндотелиал дисфункцияни миқдорий баҳолаш ва касаллик прогрессияси хавфини аниқлаш учун эндотелиал заифликнинг интеграл индекси (IEU) ҳамда салбий генотиплар кумулятив индекси (К индекси) ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, bemorлар сонининг етарли эканлиги, илгор молекуляр-генетик тахлиллардан фойдаланилганлиги тасдиқланади, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилигида эндотелиал дисфункцияниң биокимёвий ва молекуляр-генетик механизмлари етакчи патогенетик омил сифатида илмий жиҳатдан асосланиб, қон зардобида эндотелиал дисфункция ва

яллигланиш маркерлари (гомоцистеин, С-реактив оқсил) ҳамда SOD2 (Ala16Val), NOS3 (T786C) ва EDN1 (Lys197Asn) ген полиморфизмларининг касаллик клиник кечиши ва оғирлик даражаси билан узвий боғлиқлиги касаллик прогрессиясини прогнозлаш ва дифференциал даво усувларини ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилигида клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш орқали юқори хавф гурухларини шакллантириш, касаллик кечиши ва унинг асоратларини олдиндан прогноз қилиш ҳамда даволаш тактикаларини танлашга имкон бериши натижасида bemorlarning ҳаёт сифати кўрсаткичларининг ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Олинган илмий натижаларга асосан - бош БМҚТКга чалинган bemorlarга таклиф этилган даволаш ва ташхислаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

Биринчи илмий янгилик: анъанавий хавф омиллари (артериал гипертензия, II тур қандли диабет, чекиш, семизлик, атеросклероз) ва генетик мойиллiliklar ўртасидаги патогенетик боғлиқлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22-майдаги №01-p/116-т сон буйруғи билан тасдиқланган, «Инсульт патогенезидаги эндотелиал дисфункция» мавзусидаги услубий тавсиянома таркибида киритилган. Илмий натижалар Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик касалхонаси (2025 йил 4-апрелдаги №01-61 сон буйруғи) ва Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси (2025 йил 17-апрелдаги №35 сон буйруғи) клиник амалиётига жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* БМҚТК учун қиёсий-ташхисий мезонларни ишлаб чиқилиши даволашда қўлланиладиган ёндошувларни индивидуаллаштиришга имкон беради, бу эса эрта коррекциялаш, самарали ижтимоий реабилитацияга имкон берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* БМҚТКни ўз вақтида ташхислаш ва мос холда олиб борилган терапевтик аралашув асоратларни ривожланишини олдини олишга имкон беради ва ҳар бир bemorga нисбатан 2000000 бюджет харажатларини тежашни таъминлайди. Бу воситалар амбулатория шароитида даволаш ва реабилитация чора-тадбирларига йўналтирилиш имконини берди. *Хулоса:* БМҚТКли bemorlarни ташхислаш ва даволаш амалиётига мазкур илмий янгиликларни жорий этилиши тиббий ёрдамнинг самарали моделини яратиш имконини берди.

Иккинчи илмий янгилик: SOD2 (Ala16Val), EDN1 (Lys197Asn) ва NOS3 (T786C) генларининг полиморфизмлари билан яллигланиш маркерлари (СРБ), гипергомоцистеинемия ва бош мия қон-томир касалликлари клиник оғирлиги ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланди. SOD2 Val/Val генотипи касалликнинг нохуш ва оғир кечиши билан боғлиқлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22-

майдаги №01-р/116-т сон буйруғи билан тасдиқланган, «Инсульт патогенезидаги эндотелиал дисфункция» мавзусидаги услугбий тавсиянома таркибиға киритилген. Илмий натижалар Тошкент вилояти ихтисослаштирилген соматик касалхонаси (2025 йил 4-апрелдаги №01-61 сон буйруғи) ва Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси (2025 йил 17-апрелдаги №35 сон буйруғи) клиник амалиётига жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* БМҚТКли bemorlarغا тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини мажмуавий яхшилаш: шахсийлаштирилган даволашдан то соғлиқни сақлаш учун бўладиган харажатларни оптималлаштириш, ногиронликни пасайтириш хамда аҳолининг ҳаёт сифатини ошириди. *Иқтисодий самарадорлиги:* соғлиқни сақлаш харажатларини тизимли пасайтириш бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш ва меҳнатга яроқсизлиқдан юзага келадиган молиявий йўқотишларни пасайтириш билан намоён бўлди. *Хуроса:* ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши, симптоматик даволашдан асосий патогенетик механизmlаргача бўлган таъсирга эга бўлган БМҚТКни бошқариш тамойилини ўзгартириди.

учинчи илмий янгилик: SOD2, EDN1 ва NOS3 генларининг салбий генотипларининг биргалиқда учраши полиген мойилликни шакллантиришда кумулятив роль ўйнаши бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22-майдаги №01-р/116-т сон буйруғи билан тасдиқланган, «Инсульт патогенезидаги эндотелиал дисфункция» мавзусидаги услугбий тавсиянома таркибиға киритилген. Илмий натижалар Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси (2025 йил 17-апрелдаги №35 сон буйруғи) клиник амалиётига жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* қон томир касалликларини (БМҚТК) кучайишини универсал механизмлари сифатида яллиғланиш (СРО) ва эндотелиал дисфункция/гипергомоцистеинемия аҳамиятини тасдиқланиши, инсультни эрта профилактикасини, ўлим ва ногиронликни пасайишини, ёрдамнинг ҳаммабоплигини оширишни, bemorlarнинг ҳаёт сифатини яхшиланишини таъминлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* кучайовчи БМҚТКни олдини олиш ва эрта ташхислаш узоқ вақт давом этувчи реабилитация ва қимматбаҳо бўлган шошилич аралашувларга (тромболизис, стент қўйиш) бўлган талабни камайтиради, бу эса ҳар бир bemorга стационарда даволаниш учун сарфланадиган 1000000-1500000 сўм микдордаги харажатларни қисқартиришга имкон берди. *Хуроса:* БМҚТКнинг кучайишида яллиғланишнинг (СРО) ва эндотелиал дисфункция/гипергомоцистеинемиянинг универсал ролини тасдиғи инсультни симптоматик даволашдан патогенетик профилактикага ўтишида асосий қадамни ташкил этди.

тўртинчи илмий янгилик: генетик, биокимёвий ва клиник кўрсаткичларни бирлаштирувчи интеграл эндотелиал заифлик индекси (IEU) таклиф этилди, у эндотелиал дисфункция даражасини микдорий баҳолаш ва бош мия қон-томир касалликларида салбий оқибатлар хавфини башорат қилиши бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22-майдаги №01-р/117-т сон билан тасдиқланган

«Инсультнинг янги ирсий омиллари» мавзусидаги услубий тавсиянома таркибиға киритилди. Таклиф этилган ташхисий ёндошувлар Тошкент вилояти соматик касалхонаси (2025 йил 4-апрелдаги №01-61 сон буйруғи) ва Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси (2025 йил 17-апрелдаги №35 сон буйруғи) клиник амалиётига жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* БМҚТКнинг ривожланишини юқори хавфига ($OR=3.3$) эга бўлган, SOD2 (генотип Val/Val) генининг Ala16Val полиморфизми билан аниқланган ассоциацияси инсультни олдини олиниши, ирсий патология юкини пасайиши, ҳаёт сифатини яхшиланишини кўзда тутади. *Иқтисодий самарадорлиги:* генетик тестлаш (қиймати 300000минг сўм) юқори хавфдаги гурухлар учун ўзини оқлади, чунки у инсультни олдини олади (битта ҳолатни даволаш учун сарфланадиган харажат - 5000000-20000000 сўмгача). Ҳисобкитобларга кўра, олдини олувчи даволаш усууларини қабул қилган, ҳар бир аниқланган патологик генотип ташувчиси, соғлиқни сақлаш тизимида 2000000 сўмни тежаж имконини берди. *Хулоса:* SOD2 генининг Ala16Val полиморфизми (Val/Val генотипи) билан БМҚТК юқори хавфи ($OR=3,3$) ўртасидаги боғлиқлик аниқланиб, миқдорий баҳоланди.

бешинчи илмий янгилик: генетик полиморфизмлар (SOD2, NOS3, EDN1) ва биокимёвий маркерларни (гомоцистеин, СРБ) интеграция қилган ҳолда, антиоксидантлар, эндотелий-протектив препаратлар ва гипергомоцистеинемияни коррекция қилувчи воситаларни мақсадли танлаш буйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 22-майдаги №01-р/116-т сон буйруғи билан тасдиқланган, «Инсультнинг янги ирсий омиллари» мавзусидаги услубий тавсиянома таркибиға киритилган. Ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси (2025 йил 17-апрелдаги №35 сон буйруғи) ва Тошкент вилояти соматик касалхонасининг (2025 йил 4-апрелдаги №01-61 сон буйруғи) клиник амалиётига жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* SOD2, EDN1 ва eNOS генларининг хавфли генотипларини аниқлаш БМҚТКнинг эрта ривожланиш хавфини башорат қилишга имкон беради ва бу индивидуаллаштирилган инсульт профилактикасини амалга ошириш, ирсий касалликлар юкини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* патологик генотип ташувчиси бўлган ва профилактик даволашдан ўтган ҳар бир бемор соғлиқни сақлаш тизими бюджети учун 2000000-3000000 сўм иқтисодий тежамни таъминлади. *Хулоса:* SOD2, EDN1 ва eNOS генларининг хавфли генотипларининг кумулятив таъсирини ўрганиш БМҚТК ривожланиш хавфини баҳолашда индивидуаллаштирилган тиббиёт соҳасидаги муҳим илмий ютуқ ҳисобланади. Ушбу янгиликни клиник амалиётга жорий этиш БМҚТК хавфини генетик даражада баҳолаш имконини беради ва бу мақсадли профилактика чораларини амалга оширишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хуласалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши, мақсад ва вазифалари асосланган, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кетма кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг структураси ёритилган.

Диссертациянинг «**Бош мия қон томир касалликлари, эндотелиал дисфункция ва инсультни ривожланишида хавф омиллар мажмуасининг роли (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлил қилинди, эндотелиал дисфункцияни цереброваскуляр патология ривожланишининг этиопатогенези, БМҚТКнинг ривожланишидаги молекуляр-генетик маркерлар, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усусларига янгича қарашларга оид материаллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуслари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилган материаллар ва қўлланилган тадқиқот усуслари тақдим этилган. 45 ёшдан 90 ёшгача бўлган БМҚТК билан оғриган 280 нафар бемор текширилди. Улар орасида эркаклар 95 нафарни, аёллар эса 185 нафарни ташкил этди. Ўртacha ёш $65,3 \pm 0,5$ бўлиб, у аёлларда $-66,7 \pm 0,67$, эркакларда $-66,9 \pm 0,89$. Беморлар беш гурухга ажратилди, Эндотелиал дисфункциянинг намоён бўлиши ёшга мос келган холда ва назорат гурухига (НГ) бўлинди (қўйида келтирилган). Беморларни текшириш доирасида клиник-неврологик баҳолашда стандарт объектив кўрикни ўз ичига олган. Инсультнинг оғирлиги, ўчоқли неврологик танқисликнинг намоён бўлиши ва неврологик статус динамикаси, Миллий саломатлик институтининг (NIHSS) инсультнинг балли шкаласи ёрдамида баҳоланди. Ҳаракат бузилишларини баҳолаш учун Ривермид шкаласи бўйича мобиллик индекси ва Бартелнинг ҳар кунлик ҳаракат фаоллик индекси, когнитив

функцияларни баҳолаш учун эса MMSE (Mini-Mental State Examination) шкаласи ишлатилди, улар даволашдан олдин ва даволашдан кейин ўтказилди. Кўшимча равишда бош миянинг магнит-резонанс томографияси (МРТ) ва брахиоцефал қон томирларнинг ультратовуш допплерографияси (УТДГ) текширувлари ўтказилди.

Эндотелиал дисфункция (ЭД)нинг роли ва унга молекуляр-генетик таъсири нинг аҳамиятини комплекс ўрганиш мақсадида инсулт ривожланишида С-реактив оқсил (СРБ), гомоцистеин (ГГЦ) ҳамда асосий генетик полиморфизмлар (Ala16Val SOD2, Lys197Asn EDN1, T786C eNOS) таҳлил қилинди. Барча беморлар клиник жиҳатларига қараб уч гурухга ажратилди: 1) инсультдан олдинги БМҚТКли 51 нафар bemорлар; 2) инсульт ўтказган 37 нафар bemорлар, 3) Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи, БМҚТКга оиласи мойиликка, заарали одатларга ва касаллик белгиларига эга бўлмаган 85 нафар bemорлардан ташкил топган НГ вакиллари. Беморларда биокимёвий ва иммунофермент усул ёрдамида СРБ ва гомоцистеин даражасини аниқладик. Периферик қондан ДНКни ажратиб олиш “АмплиПрайм РИБО-преп” (“AmpliSens”, Россия) тўплами асосида, ишлаб чиқарувчи қўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилди. Геном ДНК концентрацияси NanoDrop 2000 (NanoDrop Technologies, АҚШ) асбоби ёрдамида A260/280 нм тўлқин узунлигига ўлчанди.

SOD2 (НПО Синтол, Москва) генининг Ala16Val, NOS3 генининг T(786)C ва EDN1 генининг Lys197Asn полиморфизмлари RotorGeneQ (QUAGEN Германия)да ишлаб чиқилган термоциклерлардан фойдаланиш орқали RT-PCR усули ёрдамида генотипланди.

Барча гурухларда (ССВ стандартларига мувофиқ) асосий даволаш қўлланилди: гипотензив, қон томирларни кенгайтирувчи, гиполипидемик, метаболик, антиагрегант, антикоагулянт, мия шишига қарши препаратлар, шунингдек даволаш самарадорлиги лаборатор маълумотлар ва шкалалар асосида баҳоланди.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Statistica for Windows v.8.0 (StatSoft Inc., АҚШ, 2012) амалий дастур пакетидан фойдаланиш билан ўтказилди. Стандарт тиббий статистик таҳлил: Ўртacha арифметик (M), стандарт хатолик (m), Стыюдентнинг t мезони.

Диссертациянинг **«Бош мия қон-томир касалликлари билан оғриган bemорларнинг умумий тавсифи»** деб номланган учинчи бобида БМҚТК мавжуд bemорларнинг клиник белгилари, неврологик статус ҳолати, оғирлик даражалари таҳлил қилинди.

Барча bemорлар БМҚТКнинг намоён бўлиш даражасига қараб 5 гурухга ажратилди: ДЭнинг 1-даражасидаги 1-гурух bemорлар 52 нафар, ДЭнинг 2-даражаси+ГК 57 нафар 2-гурух bemорлари, ДЭнинг 2-даражаси+АСли 86 нафар 3-гурух bemорлари, 38 нафар инсульт билан оғриган bemорлар 4-гурухни ташкил этди, ДЭнинг 2-даражаси+КДли 47 нафари 5-гурух bemорларни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот гурухидаги беморларнинг ўртача ёши (йиллар)

Гурух	Ўртача ёши	Эркаклар (n)	Аёллар (n)
ДЭ 1 даражаси (n=52)	$59,7 \pm 6,4$	$54,6 \pm 5,9$ (12)	$61,1 \pm 5,9$ (40)
ДЭ 2 даражаси + ГБ (n=57)	$63,1 \pm 6$	$63,3 \pm 6,7$ (16)	$62,5 \pm 5,3$ (42)
ДЭ 2 даражаси + АСЗ (n=86)	$72,5 \pm 5$	$72,4 \pm 5,1$ (25)	$72,3 \pm 4,9$ (61)
Инсульт (n=38)	$71,3 \pm 11,7$	$71,5 \pm 11$ (27)	$70,4 \pm 15,3$ (11)
ДЭ 2 даражаси + СД (n=47)	$66,1 \pm 9$	$63,5 \pm 7,6$ (16)	$67,2 \pm 9,7$ (31)

Биз гурухларимизда хавф омиллари таҳлилини қилдик. БМҚТК билан оғриган беморларнинг (97-100%) деярли кўпчилиги икки ва ундан ортиқ хавф омилларига (ХО) эга. Бу ҳолат БМҚТК мия қон-томир тизимининг кўп омилли шикастланиш синдроми эканини ишончли тарзда исботлайди.

Касалликнинг оғирлиги ва ХО кучайишини аниқ қонунияти аниқланди: БМҚТКнинг кечиши қанчалик оғир бўлса, хавф омиллари шунчалик кўп янада яққол намоён бўлади. Эрта босқичларда (ДЭнинг 1-даражаси) ўртача метаболик бузилишлар ва хаёт тарзи билан боғлиқ бўлган “эрта” хавф омиллари устунлик қиласи. Гарчи бу омиллар кўпинча бирга келса хам, битта беморда уларнинг умумий миқдори кам бўлади (медиана 2-3). Янада кечиккан босқичларда (ДЭ нинг 2-босқичи, АСЗ, инсульт, ДЭ+СД) “кечки” янада оғир ва кўпинча органдаги маҳсус хавф омиллари устун бўлади. Уларни бирга келиши мутлоқ бўлиб қолади (100%), беморлар сони эса ортади. Бу кумулятив самара ва қон томирларини кучаювчи шикастланишини акс эттиради.

Шунингдек беморларнинг гурухига боғлиқ холда патогенетик йўлларнинг маҳсуслиги аниқланди: иккинчи гурухда (ДЭ+ГБ) патогенетик йўл гипертрофия ва қон томирларини ремоделирланишига олиб келувчи артериал гипертензияни (АГ) ўз ичига олади, бу эса охир оқибат ишемияни ва лакуналарни шаклланишини юзага келтиради. АБнинг асосий нишони: юрак, буйраклар, гомоцистеин. З-гурухда (ДЭ+АС) асосий йўл - стеноз ва эмболияга олиб келувчи БЦА атеросклерозини чақиравчич- дислипидемиядир. Асосий нишон: СД. 4-гурухда (инсульт) инсультнинг ривожланиши окклюзияга олиб келувчи сурункали субстрат (атеросклероз, АГ, СБ) ва ўткир триггерни (АБни ортиши, тромбоз, эмболия) бирга келиши билан боғлиқ. Асосий нишонлар: айниқса атеросклеротик плакчаларни турғун бўлмаслиги, коагуляцияни бузилиши, АГ, ФПларни ўз ичига олган барча ХО. 5-гурухда (ДЭ+СД) патогенез микро- ва макроангиопатия томонидан хосил қилинадиган гипергликемия ва инсулинга чидамлилик билан боғлиқ бўлади, бу мияни диффуз ёки мультифокал шикастланишига олиб келади. Асосий нишонлар: глюкоза даражаси, АБ, буйраклар, нерв, тана вазни.

Шунингдек биз томондан маҳсус маркерларнинг критик роли аниқланди: ГГЦ (2-гурух) АГ фонида ДЭнинг кучайиши, тромбоз ва

эндотелиал дисфункция билан яқин алоқада бўлган, мустақил бўлмаган хавф омили ҳисобланади. ЛП(а) (3-гурух) уйқу артериялари атеросклерозида (АС) айниқса аҳамиятли рол ўйновчи, кучли атероген ва тромбоген омил бўлиб ҳисобланади. Атеросклеротик пилакчалар (4-гурух) статинлар билан тажоввузкор даволашни ва эҳтимол жарроҳлик аралашувини талаб этадиган, инсультнинг билвосита предиктори бўлиб ҳисобланади. Диабетик нефропатия/полинейропатия (5-гурух) диабетик микроангиопатиянинг оғирлик маркери бўлиб ҳисобланади, у БМҚТКнинг хавфи ва оғирлиги билан жуда яқин корреляцияга эга бўлади.

Шундай қилиб, XОни ўрганиш яхши клиник натижаларга эришишга ёрдам берувчи, БМҚТКни олдини олиш ва даволашни самарали стратегиясини ишлаб чиқишига асосий йўл бўлиб ҳисобланган, XО нинг алоҳида роли ва маҳсус патогенетик йўлларини тушуниб етиш, БМҚТКнинг мультиомилли тавсифи, мажмуавийлигини тавсифлайди.

Бош мия қон томир касаллиги бор беморларда неврологик симптомларнинг таҳлили.

ДЭнинг турли босқичларида (1-гурух) астеник, вегетатив бузилишлар ва зўриқиши бош оғриқлари устунлик қилган, ДЭнинг кучайиши эса (2-3 гурух) вестибуляр-мияча ва пирамидал бузилишлари билан бирга кузатилади. Оғир шакллар (4-гурух) ўчоқли симптоматика ва яққол намоён бўлган когнетив бузилишлар билан тавсифланади (2-жадвал).

2-жадвал

Барча беморлардаги неврологик симптоматика

Симптом/синдром	1-гурух	2- гурух	3- гурух	4- гурух	5-гурух	НГ
КБ	65%	80%	75%	100%	75%	0%
АС	75%	-	-	-	-	0%
ВБ	60%	-	-	70%	65%	0%
Бош оғриқлари	50% (ГБН)	75% (Г)	-	50%	-	0%
ВМ	-	65%	60%	60%	-	0%
ПЕ	0%	50%	40%	100%	40%	0%
Анамнезда ТИА	-	-	55%	-	-	0%
ЎС	0%	-	40%	100%	-	0%
Полинейропатия	-	-	-	-	90%	0%
АДС	-	-	-	-	70%	0%

Изоҳ: КБ - когнитив бузилишлар, АС - астеник синдром, ВБ – вегетатив бузилишлар, ЗБО – зўриқиши бош оғриғи, ВМ - вестибуляр-миячали, ПЕ – Пирамидали етишимовчилик, ЎС - ўчоқли симптоматика, АДС - астено-субдепрессив синдром.

Бундан ташқари, патологиянинг маҳсуслиги аниқланади: хафақон касаллиги (2-гурух) гипертензив бош оғриқлари вестибуляр-мияча бузилишлари билан бирга намоён бўлади; бош мия қон томирларининг атеросклерози (3-гурух) яширин ўчоқли симптоматика билан бирга ТИАнинг юқори хавфи билан намоён бўлади; қандли диабет эса (5-гурух) полинейропатия билан биргаликда астено-субдепрессив синдром кўринишида намоён бўлади.

Шунингдек, БМҚТК оғирлигининг асосий маркерлари аниқланди, айнан пирамидал етишмовчилик ва ўчоқли симптоматика органик шикастланишнинг кўрсаткичи ҳисобланади (2-4-группалар), когнитив бузилишлар эса универсал, бироқ босқичма-босқич кучайиб борувчи симптомлардир (65% дан 100% гача). ДЭ II даражасида, айниқса гипертония ёки бош мия қон-томир атеросклерози билан бирга кечганда, астеник синдром, вегетатив бузилишлар ва зўриқишиш бош оғрифи эндиликда кузатилмайди. Бу белгилари касалликнинг илк босқичларига хос бўлиб, унинг эрта диагностик мезонлари сифатида баҳоланиши мумкин. Полинейропатия ва астено-депрессив синдром қандли диабет учун юқори даражада специфик ҳисобланади. Жадвалдаги маълумотлар БМҚТКнинг турли босқичлари ва клиник шаклларини фарқлаш имконини беради. Вестибуляр-мияча бузилишлари, пирамидал етишмовчилик ва ўчоқли неврологик симптоматиканинг мавжудлиги фаол нейровизуал текширувлар (масалан, бош мия МРТси) ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, гурухларда ўтказилган неврологик симптомларнинг таҳлили ўтказилганда, БМҚТКнинг турли шакллари ва неврологик симптоматика ўртасидаги аниқ корреляция тўлақонли равишда намоён бўлди, бу bemорларни юритиш тактикасини аниқлаш, ташхислаш ва қиёсий ташхислаш учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

БМҚТКли bemорларда гомоцистеин ва С-реактив оқсилининг (СРО) даражаси. Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи БМҚТК билан касалланган bemорларда гомоцистеин ва С-реактив оқсили (СРО) даражасини аниқлашга қаратилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг патогенетик роли ва прогностик аҳамияти фаол муҳокама қилинмоқда ҳамда янги илмий маълумотлар билан тасдиқланмоқда (З-жадвал).

З-жадвал

БМҚТК bemорлар гурухидаги гомоцистеин ва СРОнинг кўрсаткичлари

Гурухлар	Гомоцистеин	СРО
1 -гурух - ДЭ 1 дар, n=52	13,1±0,8	7,72±0,6
2 -гурух - ДЭ 2 дар + ГБ, n=57	19,61±1,9	11,72±1,1
3 - гурух ДЭ 2 дар + АСЗ, n=86	26,25±1,8	21,87±2,9
4 – гурух-инсультдан кейинги холат, n=38	43,52±2,6	24,73±3,4
5 -гурух – ДЭ 1-2 ст + СБ, n=47	47,69±1,9	24,51±2,4
НГ, n=20	8,64±0,5	3,7±0,17

ГЦ ва СРО даражалари БМҚТК нинг илк босқичларидан оғир шаклларигача тизимли ортиб, ЎБМҚАБ ва КД гурухларида энг юқори қийматларга етди. Бу холат уларнинг касаллик патогенезидаги иштирокини акс эттиради ва яллиғланиш ҳамда метаболик бузилишларнинг БМҚТК ривожланишидаги аҳамиятини тасдиқлайди. ГЦ СРБ ($r=0,523$; $p<0,001$) ва NIHSS ($r=0,515$; $p<0,001$) билан мусбат, MMSE ($r=-0,418$; $p<0,001$) ва Бартел ($r=-0,485$; $p<0,001$) билан салбий боғлиқликка эга. Ушбу маълумотлар унинг

яллигланиш жараёнларини фаоллаштиришда, когнитив функцияларни сусайтиришда ва функционал мустақилликнинг бузилишидаги иштироки тасдиқланди.

СРО ҳам салбий натижалар билан боғлиқ: NIHSS билан мусбат ($r=0,371$; $p=0,001$) ва Bartel билан манфий ($r=-0,419$; $p<0,001$) боғланиш тизимли яллигланишнинг неврологик дефицит кучайиши ва реабилитация салоҳияти пасайишига қўшган ҳиссасини акс эттиради.

Когнитив бузилиш (MMSE) прогноз учун марказий омил ҳисобланади: NIHSS билан манфий ($r=-0,675$; $p<0,001$) ва Bartel билан мусбат ($r=0,715$; $p<0,001$) корреляциялар когнитив пасайиш функционал натижаларнинг бевосита ёмонлашувига олиб келишини кўрсатди.

NIHSS шкаласи тикланишнинг асосий предиктори ҳисобланади: Bartel билан кучли манфий боғланиш ($r=-0,825$; $p<0,001$) ҳар бир NIHSS балли функционал мустақилликни тахминан 0,8 баллга камайтирашини англаради.

Шундай қилиб, гомоцистеин (ГЦ) ва СРБ эндотелиал дисфункция (ЭД), оксидатив стресс ва яллигланишнинг муҳим биомаркерлари бўлиб, уларнинг даражалари сурункали ишемик жараён (БМҚТК) оғирлиги ва зўрайишини акс эттиради. Ушбу биомаркерларни когнитив ва функционал кўрсаткичлар билан биргаликда баҳолаш беморларни хавф даражаси бўйича объектив стратификация қилиш ҳамда индивидуаллаштирилган даволаш ва реабилитация стратегияларини оптималлаштириш имконини берди.

Диссертациянинг **«Бош мия қон-томир касалликлари билан оғриган беморларни танлаб олишда инсулт ривожланиши билан SOD2 генининг Ala16Val, EDN1 генининг LYS197ASN ва NOS3 генининг T786C ген полиморфизмлари ассоциациясини баҳолаш»** деб номланган тўртингчи бобида БМҚТК билан касалланган беморларда молекуляр-генетик тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

SOD2 генидаги Ala16Val полиморфизмининг БМҚТК ривожланиши билан боғлиқлиги. Ala16Val полиморфизми таҳлили натижасида БМҚТК билан касалланган беморларда Val аллели (62,5% қарши 40,6%; $p=0,01$) ва Val/Val генотипи (43,2% қарши 18,8%; $p=0,01$) ишончли устунлиги аниқланди. Val аллели касаллик ривожланиш хавфини 2,4 марта оширади ($OR=2,4$; 95% CI 1,59-3,75), Val/Val генотипи эса хавфни 3,3 марта гача оширади ($OR=3,3$; 95% CI 1,67-6,42). Инсулт ва инсулт олди гуруҳларида ҳам Val/Val генотипи частотаси назорат гуруҳидан юқори ($p=0,03$ ва $p=0,01$). Энг юқори хавф инсульт олди шаклларида кузатилган ($OR=3,8$; 95% CI 1,81-8,14). Прогностик самарадорлик кўрсаткичлари ($S\approx0,59$; $SP\approx0,63$; $AUC=0,60-0,64$) диагностика аниқлигининг ўрта даражада эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, SOD2 генидаги Ala16Val полиморфизми билан инсулт ривожланиши ўртасида сезиларли боғлиқлик аниқланди. Ривожланиш хавфи нисбати коэффициентига кўра, Val/Val генотипи мавжуд бўлган ҳолларда БМҚТК ривожланиш хавфи 3,3 марта ортиши қайд этилган ($\chi^2=11,9$; $p=0,01$; $OR=3,3$; 95% CI: 1,67-6,42). SOD2 генидаги Ala16Val полиморфизми

БМҚТК ривожланишининг эҳтимолий сабабларидан бири бўлиб, Val локусининг прогностик самарадорлиги сезгирилик ($SE=0,59$), махсуслик ($SP=0,63$) ва прогностик аҳамият ($OR=2,44$; $p=0,39$) кўрсаткичлари билан ифодаланди.

EDN1 генидаги Lys197Asn полиморфизмининг БМҚТК билан боғлиқлиги. Lys197Asn полиморфизми таҳлилида асосий гурух (ОГ) ва назорат гуруҳи (КГ) ўртасида аллель ва генотип частоталарида ишончли фарқ аниқланмади ($p>0,05$). Бироқ Asn аллели ва Asn/Asn генотипи частотасининг ошиш тенденцияси кузатилди, айниқса инсульт олди босқичидаги беморларда (Asn - 29,4% қарши 19,4%; $OR=1,7$; 95% CI 0,98-3,05). Прогностик самарадорлик кўрсаткичлари ($SE 0,71-0,81$; $SP 0,23-0,29$; $AUC 0,47-0,55$) ўртача сезгирилик ва паст махсусликни кўрсатиб, маркернинг чекланган прогностик қиймати борлигини англашади.

Шундай қилиб, EDN1 генидаги Lys197Asn полиморфизми СЗГМ ривожланиши билан мустақил ишончли боғлиқ эмас, аммо Asn аллелининг клиник олди босқичларда қўпайиш тенденцияси уни эндотелиал дисфункцияning ёрдамчи маркери сифатида кўриб чиқиши имконини берди.

NOS3 генидаги T786C полиморфизмининг БМҚТК билан боғлиқлиги. T786C полиморфизми СЗГМ, инсульт ва инсульт олди ҳолатлари билан ишончли боғлиқлик кўрсатмади ($p>0,05$). Бироқ беморларда, айниқса инсултдан кейинги ҳолатларида, T аллели ва T/T генотипи частотасининг ошиш мойиллиги кузатилди (T - 83,8% қарши 72,9%; $OR=1,9$; 95% CI 0,95-3,85; T/T - 73,0% қарши 54,1%; $OR=2,3$; 95% CI 1,00-5,26). C/C генотипи паст сезгирилик ($SE=0,05-0,08$) ва юқори махсуслик ($SP=0,92$) билан тавсифланиб, $AU\approx0,5$ кўрсаткичи унинг диагностик аҳамияти пастлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, NOS3 генидаги T786C полиморфизми БМҚТК билан ишончли боғлиқ эмас, аммо T аллели ва T/T генотипи частотасининг ошиши уларнинг ЭД шаклланишида, айниқса бошқа генетик ва қон-томир хавф омиллари билан биргалиқда, иштирок этиши мумкинлигини англашади.

БМҚТКни ривожланишида SOD2, EDN1 ва NOS3 генлари полиморфизмининг ўзаро таъсир этиши. Биз олиб борган тадқиқотнинг кейинги босқичида БМҚТКнинг ривожланишига SOD2, EDN1 ва NOS3 генлар полиморфизмининг биргаликда кўрсатадиган ўзаро таъсирини таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Асосий гурухда (БМҚТК беморлар) қуйидаги тақсимланиш кузатилди: 39,8% битта ноxуш генотипнинг бирга келишига эга бўлди, 43,2% - иккита, 12,5% - учта ва 4,5% - ижобий генотипларнинг бирга келишига эга бўлдилар. Назорат гуруҳида битта ноxуш генотипга эга бўлган шахслар устунликка (62,3%) эга бўлди, 34,1% иккитага, 4,7% - учта ва 2,3% - ижобий генотипларнинг бирга келишига эга бўлдилар. Шундай қилиб, БМҚТКли bemorлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан кўпинча иккита ва учта ноxуш генотиплар биргаликда учради (4-жадвал).

4-жадвал

Назорат гурухи ва БМҚТКли bemorlararda noxush genotiplarning utcha gennini (SOD2, EDN1 va eNOS) birga keliшини taqsimlaniishi

№	Гурӯҳ	Нохуш генотиплар						Меъёрий генотиплар	
		1x		2x		3x		*x	
		n	%	n	%	n	%	n	%
1	АГ, n=88	35	39,8	38	43,2	11	12,5	4	4,5
2	НГ, n=85	53	62,3	29	34,1	4	4,7	2	2,3

Изоҳ: *noxush genotiplarning birga keliшинini yigindisi soni.

Генларнинг биргалиқдаги таъсири: битта салбий генотипнинг мавжудлиги (SOD2, EDN1 ёки NOS3) БМҚТКнинг ривожланиш хавфини статистик аҳамиятли оширади ($OR=2,48$, $p=0,006$). Хавфни ортишини яққол намоён бўлган тенденцияси салбий генотипларнинг миқдорига пропорционал бўлиши кузатилади. Учта салбий генотиплар бир вақтда ўзаро таъсиранланганда, самара айниқса сезиларли намоён бўлади ($OR=2,92$, $p=0,061$) (5-жадвал).

5-жадвал

Учта полиморф генлар локусининг (SOD2, NOS3 ва EDN1) салбий генотипларини бирга келишида ген-ген ўзаро таъсираннинг статистик фарқлари

Нохуш генотипларни бирга келиши	Текширилган аллел генотипларни миқдори				χ^2	p	OR	95% CI				
	АГ, n=88		НГ, n=85									
	n	%	n	%								
2x	38	43,2	29	34,1	1,5	0,2	1,5	0,793- 2,716				
3x	11	12,5	4	4,7	3,3	0,06	2,9	0,8835- 9,472				

